# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 19 сентябрь, № 182 (6112) Жума


## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!





Сурхондарё вилояти:

# ОБОДЛИК, АЗМУ ШИЖОАТ, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида кўхна ва навқирон Термиз шаҳри Президентимиз Фармонига кўра, “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. Бундан воҳа аҳли ниҳоятда қувонди, қалби фахру ифтихорга тўлди. Шу билан бирга, мазкур юксак эътироф уларни истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга даъват этмоқда.

*Мамлакатимизнинг “Жанубий дарвозаси”, меҳнаткаш, фидойи эли билан танилган Сурхондарё вилояти ҳақида сўз айтилганда, унинг бой тарихи билан бирга, истиқлол йилларида Термиз шаҳри ва вилоят миқёсида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари — замонавий иншоотлар, тураржойлар, кенг ва равон йўллар, сўлим хиёбонлар кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, сурхондарёликларнинг азму шижоати, эзгу саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқ ва шаҳарлар кундан-кун обод бўлиб, қайта тикланган тарихий обидаларимиз сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йили ушбу тарихий заминга ташриф буюрган сайёҳлар сони салкам 34 минг кишини ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич яна бир неча мингтага ошиши кутиляпти. Ҳозирги пайтда кўҳна обидаларнинг 25 тасида археологик изланишлар олиб борилаётгани ва 19 тасида туристик йўналишлар очилгани, айниқса, диққатга сазовордир.*



### Юксак эътироф масъулияти

Таъкидлаш керакки, Термиз шаҳри истиқлол йилларида чин маънода гуллаб-яшнамоқда. Бу ерда замонавий лойиҳалар асосида қурилган янги тураржойларда истиқомат қилаётган ёш оилалар бундай юксак ғамхўрликдан миннатдор бўлсалар, вилоят аҳолиси эса ҳудудда яратилган шарт-шароитлардан завқ олиб, ҳаётдан рози бўлиб яшамоқдалар.

— Шаҳримиз истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди, — дейди меҳнат фахрийси Ботир Менгликулов. — Биргина ёш авлоднинг соғлом вояга етиши йўлида олиб борилаётган ишларни санаб, адоғига етиш қийин. Шаҳарсозликнинг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган “Бахт уйи” ёш оилаларни саодатли ҳаётга кузатмоқда. Илгари мактаб биноларида жойлашган Термиз давлат университети бугун обод масканлардан бирига айлантирилди. Янги қурилган коллеж ва лицейлар, ёшларнинг севимли маскани — “Сурхон” спорт мажмуаси, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадионни айтмайсизми?! Ҳаммаси бири-биридан чиройли ва кўркам. Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган Археология музейида ҳам истиқлол туфайли кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Музейнинг маҳобатли биноси бизнинг қудратимизни акс эттирса, ундаги ноёб экспонатлар халқимиз маданий-маънавий меросининг қадр-қимматини ўзида намоён қилади.

(Давоми 4-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Наманган туманидаги Тошбулоқ шаҳарчасида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Икки қаватдан иборат ушбу муҳташам иншоотни барпо этиш учун 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.*

### Тошбулоқда янги мажмуа ишга туширилди

Бу ерда ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиётини ривожлантириш ҳамда аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун барча шароит яратилган. Жумладан, беш юз ўринли концерт ва рақс машғулотлари заллари, анъанавий хонандалик, мақом, тасвирий санъат, миллий ҳамда эстрада чолғулари йўналишидаги тўгарак хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Шундай маданият ва дам олиш марказлари Янгиқўрғон ҳамда Чортоқ туманларида ҳам иш бошлади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фойдаланиш муддати 10 минг соат

*Деҳқонобод туманидаги “Шўртан” газ-кимё мажмуига қарашли ишлаб чиқариш цехида 12 турдаги энергия тежамкор лампалар тайёрлаш ўзлаштирилди.*

Маҳсулотларнинг афзаллиги шундаки, улар 9 Вт. дан 30 Вт.гача бўлган кучланишда ишлайди. Яъни оддий электр лампаларга нисбатан 4 баробар кам қувват сарфлаб, 8 баробар кўп муддат, аниқроғи, 10 минг соатгача хизмат қилади.

Цех муҳандис-технологи Худойберди Эшонқуловнинг таъкидлашича, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли корхонада меҳнат самарадорлиги ўтган йилдагига нисбатан бир неча баробар ортиб, маҳсулотлар тури яна 5 тага кўпайтирилди. Ҳозир бу ерда кунига 2600 дона спиралсимон, яримспирал ва турли геометрик шаклдаги лампалар тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кичик корхонанинг катта даромади

*Олот тумани ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган йигирмата тураржойга кўркам дизайндаги дарвозалар ўрнатилди. Улар Қоракўл туманидаги “Абдуқаюм омад отажон” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган.*

Бундан бир йил аввал фаолият бошлаган мазкур корхона усталари қисқа муддатда замонавий эшик ва ромлар ҳамда дарвозалар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Натижада унинг маҳсулотлари тез орада нафақат Қоракўл, балки қўшни туманларда ҳам харидорини топиб улгурди. Ўтган йили корхона тадбиркорлари беш юз миллион сўмдан зиёд даромад кўришди. Буюртмалар сони эса муттасил кўпаймоқда. Шуни ҳисобга олган ишбилармонлар банк кредити эвазига фаолиятларини янада кенгайтириш тараддудидалар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ АНЖУМАН

*Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ҳамда маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Шунинг учун ҳам китобга муҳаббат, уни қадрлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Айниқса, кейинги йилларда ўзига хос китобхонлик маданияти шаклланиб бораётгани ноширлар ва китобхонлар ўртасида янгича муносабатларни, яъни ўзаро мулоқотга асосланган ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ундамоқда.*

## «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!»

Мамлакатимизда ана шу шиор остида “Болалар китоби” республика фестивали бошланди.

Кеча Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, барча вилоят марказларида бошланган “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!” шиори остидаги “Болалар китоби” республика фестивалида шу ҳақда сўз борди. Тадбир Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Ўздавкитобсавдотаъминот” масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Чунончи, пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш, ёшларда юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга эҳтиром туйғуларини кучайтириш ва интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни камолга етказишда китоб беқиёс восита бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## Миллий тажриба ва халқаро амалиёт

*Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари тобора янгича шаклларда намоён бўлаётган одам савдоси муаммосига дуч келаяпти. Мазкур қинғир иш билан шуғулланадиганлар “қармоғи”га миллионлаб кишилар илинмоқда. Ушбу соҳадаги жиноятчилик ўргимчак тўри каби дунёнинг барча минтақасида кенгайиб бораётир. Шундай экан, трансмиллий хусусият касб этаётган мазкур офатга барҳам беришга битта давлатнинг кучи ҳам, қурби ҳам етмайди. Бинобарин, одам савдосига қарши курашиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифадир.*

■ СЕМИНАР

Тошкентда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида “Одам савдосига қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: миллий тажриба ва халқаро амалиёт” мавзуида ташкил этилган халқаро семинарда шулар алоҳида таъкидланди. Долзарб мавзу муҳокамасида юртимиз, шунингдек, Жанубий Корея, Буюк Британия, Австрия, Португалия, АҚШ, Молдова, Қозоғистондан ушбу соҳадаги етакчи экспертлар, Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия), “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), Миллий демократия институти (АҚШ), БМТнинг жиноятчилик ва наркотикларга қарши курашиш бошқармаси (ЮНОДК), ЕХҲТ, USAID, Европа Иттифоқи Комиссияси каби халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йилда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция, Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол 2003 йил охирида кучга кирди. Кейинчалик у одам савдоси жиноят сифатида белгилаб қўйилган ягона халқаро ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Чунки ушбу Протокол одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, бу борада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашишга йўналтирилгандир. Шуни алоҳида айтиш жоизки, ушбу ҳужжатга аъзо 148 та мамлакат сафида Ўзбекистон ҳам бор.

Ҳозирги даврда мазкур аъзо-давлатлар томонидан Протокол бандларини амалга ошириш, одам савдосига қарши курашишга оид нормаларни миллий қонунчилигига татбиқ этиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хорижлик экспертларда бу борада ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, масъул тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмларига оид Ўзбекистон тажрибаси катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг олти ойи давомида мамлакатимизда 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилган**

**64 та лойиҳа амалга оширилди.**

Иқтисодиётимизнинг автомобилсозлик, кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати каби етакчи соҳаларида рўёбга чиқарилган мазкур инвестициявий лойиҳалар доирасида импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, ички бозорни арзон ва сифатли товарлар билан тўлдиришга эришилди.




## Изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси

“Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компаниялари, ЎзФА Энергетика ва автоматика институти, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган “UzEnergyExpo — 2014” ва “UzStroyExpo — 2014” ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалари ўз ишини давом этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ «ТОШКЕНТ-АЭРО» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЖХОНА КОМПЛЕКСИ

***компьютер техникалари хариди бўйича танлов эълон қилади.***

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилиб рақамланган, тикилиб муҳрланган ҳамда ёпиқ муҳрланган конвертларда устки қисмига танлов номи тўлиқ кўрсатилган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

1. «Техник қисми» сўзлари ёзилган пакетга техник талаблар бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.
2. «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган пакетга тижорат талаблари бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

Танлов бўйича таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танловнинг энг юқори баҳоси — 170 500 000 сўм.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм. Тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

«Тошкент-Аэро» ИБК ҳ/р: 21506000303616129006, банк: Тошкент шаҳар МБ ҲКМ. МФО: 00014, СТИР: 202450011, ОКОНХ: 97200.

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Тошкент халқаро аэропорти». Телефонлар: (8-371) 120-86-49, 120-86-30 (41-80, 41-67).**

1395А/733

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**17.00.01** — Театр санъати — 1 ўрин.
**17.00.03** — Кино санъати, телевидение — 1 ўрин.
**13.00.05** — Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси — 1 ўрин.

**Катта илмий ходим-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- ректор номига ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси диплом ёхуд фан номзоди диплом ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журнал ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари тўпламларига, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 230-28-03, 230-28-14.**

1498А/764

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Юнусобод тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 16 майдаги 1-2961/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Саноат кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 700 кв.м. бўлган омихта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчаси.

*Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.*

**2014 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**I.** Миробод тумани СИБ томонидан:

**1.** ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.*

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич баҳоси — 157 664 791 сўм.*

**3.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич баҳоси — 189 887 744 сўм.*

**4.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

*Бошланғич баҳоси — 32 680 665 сўм.*

**II.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 12 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган уй-жой.

*Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.*

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган

1495А/90

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 9 июндаги 12-1405/4042-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий номли МФЙ, Амир Темур кўчасида жойлашган, майдони 13 087,93 кв.м. бўлган савдо дўкони, ҳаммом ва бошқа бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 330 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 22 июлдаги 12-1404/6383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Улуғбек кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган, майдони 848,38 кв.м. бўлган омборхона биноси ва ёғоч кесиш бостирмаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 230 000 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат «Дони» хусусий фирмасига тегишли бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 500 082 995 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат «Файз — 2003 йил» МЧЖга тегишли чорвачилик фермаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 438 905 417 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 24 октябрь куни соат 18.00.

**V.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

**1.** 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 301 351 998 сўм.***

**2.** 0013-литердаги майдони 792,36 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 265 619 127 сўм.***

**3.** 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 345 603 494 сўм.***

**4.** 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 314 169 183 сўм.***

**5.** 0016-литердаги майдони 1008,25 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 236 494 349 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий майдони 3406,69 кв.м., қурилган жой участкаси 699,18 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кинотеатр биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 226 827 795 сўм.***

**VII.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ҳақиқат маҳалласи, Деҳқон бозори ёнида жойлашган, умумий майдони 742,95 кв.м., қурилган жой участкаси 742,95 кв.м. бўлган «Шоакбар» ресторани ва савдо дўкони ҳамда ундаги ускуналар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 288 503 156 сўм.***

**VIII.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ҳамда ускуналар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 632 977 389 сўм.***

**IX.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, умумий майдони 8 756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 495 208 496 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1503R/1453

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор ва Шаматон қишлоқларида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 423 570 900 сўм.***

**2.** Умумий майдони 7700 кв.м., қурилиш майдони 1018,14 кв.м., фойдаланиш майдони 898,56 кв.м. бўлган трактор гаражи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 93 176 900 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 173 724 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1504R/1453

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 26 августдаги 23-1403/6563-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, Тўрткўл гузари, рақамсиз уйда жойлашган, ер майдони 5666,45 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш маъмурий биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 735 435 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг АТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1511R/1453

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 23 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Кўқон шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 24 июлдаги 15-1407/8646-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қўқон Ҳамза Умаров» МЧЖга қарашли, Қўқон шаҳри, 6-МФЙ, Истиқлол кўчаси, 38-уйда жойлашган, умумий майдони 1235,25 кв.м., фойдаланиш майдони 1009,77 кв.м. бўлган, 0001-литердаги қурилиши тугалланмаган Ҳамза Умаров номли кинотеатр биноси.

***Бошланғич баҳоси — 630 000 000 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Сергели тумани судининг 2012 йил 29 мартдаги 1-141/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Низомий кўчаси, 6-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 33,53 кв.м., фойдаланиш майдони 29,20 кв.м. бўлган, 3-қаватда жойлашган бир хонадан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 25 195 914 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 21 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2014 йил 9 октябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:

**1.** Олтиариқ тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 1 февралдаги 15-13-05/3071-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «11-автокорхона» АЖга тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ШФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 204,47 кв.м., фойдаланиш майдони 166,79 кв.м. бўлган, 0001-литердаги қурилиши тугалланмаган ошхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 40 003 470 сўм.***

**2.** Ўзбекистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Ўзбекистон тумани судининг 2009 йил 14 майдаги 2-28/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 106-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 91,80 кв.м., фойдаланиш майдони 60,13 кв.м. бўлган 2 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 10 107 496 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 7 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1509R/90



«OHAUS» тарозилари

Ишончли

Аниқ

Кенг танлов

www.fortek.uz

Маҳсулот сертификатланган.

FORTEK

«OHAUS» компаниясининг расмий дистрибьютори

**Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.**
**Факс: (+998 71) 267-71-90.**

**e-mail: office@fortek.uz**
**web: www.fortek.uz**

1486R/751



Тошкент шаҳрида гуллар, ландшафт архитектураси ва дизайнига ихтисослаштирилган “Тошкент — Флора — 2014” ҳудудий кўргазмаси иш бошлади.

## Сурхондарё вилояти:

# ОБОДЛИК, АЗМУ ШИЖОАТ, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Тадбиркорлик — фаровонлик омили

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби воҳада ҳам ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш мақсадида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Чунончи, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 79,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 62,3 фоизни ташкил этди. Аниқроғи, шу муддат ичида умумий қиймати 97,6 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилиб, уларнинг тўрттасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жумладан, Термиз шаҳридаги “Камазул Сайдил” МЧЖда 12 турдаги пойабзал, “Лола имкон барака” хусусий корхонасида 10 дан зиёд турдаги трикотаж буюмлари, “Ойсорат” МЧЖда 15 хил тикувчилик маҳсулоти, Сариосиё туманидаги “Шарғун брикет” МЧЖда эса экспортга мўлжалланган брикет тайёрлаш йўлга қўйилди. Қолаверса, саноат йўналишида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмлик 197 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобига яна салкам 2 мингта иш ўрни яратилди.

Термизлик тадбиркорларнинг янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш орқали коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги фаолияти, айниқса, кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Масалан, ёшларни иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшаётган “Shindong spining Термез” Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонасида ўтган йили 5 миллиард 592 миллион сўмлик 1281 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг салмоқли қисми экспорт қилинди.

— Корхонамизда ишлаётганларнинг 200 нафардан зиёди ёшлардан иборат, — дейди қўшма корхонанинг техник директори Чой Синг Юл. — Мен уларга ҳавас қиламан. Бу — мустақил юртингизда ёшларнинг билим олиши ва меҳнат қилиши учун катта имкониятлар яратилгани шарофати, албатта. Яна бир муҳим омил — Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бундай юртда эса ишлар ривож топиб, одамлар фаровон ҳаёт кечирадилар.

Туманларда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари сони тобора ортмоқда. Масалан, ўтган йил охирида Жарқўрғон туманидаги “Марказий Сурхон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясига қарашли “Савдоэнерго” акциядорлик жамиятининг 5,2 миллиард сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 1,3 миллиард сўмлик кредити ҳисобидан “Charog‘on tekstil” трикотаж фабрикаси ташкил этилди. Пировардида 400 дан зиёд янги иш ўрни очилиб, йилига болалар ва катталар учун мўлжалланган 2 миллион донадан зиёд трикотаж буюмлари, коржомалар ҳамда чойшаблар ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Вилоят марказидан 170 километр олисда жойлашган Узун туманида эса “Тўмарис — Истиқлол текстиль” хусусий корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг аксарияти экспортга йўналтирилаяпти.

Шунингдек, Бойсун туманида ҳам кўплаб йирик саноат корхоналари ишга туширилди. “Бойсунтекс” хусусий корхонаси — ана шулардан бири. Бу ерда калава ип ишлаб чиқариш билан бир қаторда, 10 дан зиёд турдаги матолар тўқилмоқда. Бойсун ва қўшни туманлар аҳолиси, корхона ҳамда ташкилотлар, мактабу коллежлар эса замонавий мебелларни “Жило Файз” корхонасидан харид қилишаётир. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорни сифатли мебель жиҳозлари билан таъминлаётган мазкур корхона хориж технологияси билан тўлиқ жиҳозланган.



Бундан ташқари, унинг қошида қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳадаги турар-жойлар учун пишиқ ғишт етказиб бераётган завод ҳамда гўшт ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цехлар фаолият юритмоқда.

### Ҳовли тўйларига марҳамат!

— Истиқлолгача шаҳарда яшаётган одамларга ҳавасимиз келарди, — дейди шерободлик Раҳим Искандаров. — Эндиликда эса қишлоқларда ҳам бири-биридан шинам ва кўркам уйлар қурилмоқда. Бунда зиғирча муболаға йўқ. Шерободга кираверишдаги Сеплон қишлоғида қад ростлаган янги уйларни кўрсангиз, катта шаҳарлардан бирига келиб қолдимми, деб таажжубга тушасиз...

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2013 йил 15 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида воҳада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Қўли гул қурувчилар жорий йилда 887 та турар-жой барпо этишни режалаштирган эди. Ўтган даврда уларнинг аксарияти эгаларига топширилди. Масалан, Жарқўрғон туманидаги Қораёнтоқ қишлоғида кунора ҳовли тўйлари ўтказилмоқда. Негаки, ушбу аҳоли масcивида 105 та уй-жойнинг бари тўлиқ тикланиб бўлинди. Ҳозир бу ерда замонавий инфратузилма объектлари, савдо шохобчалари ҳамда болалар спорт майдончалари қурилаяпти.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Шу кунларда Денов туманининг “Қизилжар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилиши якунига етаяпти. 13 та корхона ва ташкилот жамоалари меҳнат қилаётган мазкур даҳада 130 та замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Бу ерда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ҳозиргача 281 километр масофага қувур тортилди. Айни чоғда табиий газ ва электр энергияси тармоқларида ҳам жадал иш олиб борилмоқда.

Умуман, бугун Сурхондарё вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада воҳанинг қишлоқ ва шаҳарлари обод бўлиб, аҳоли фаровон турмуш кечирмоқда. Зеро, юртимизда рўёбга чиқарилаётган ҳар бир эзгу ишдан кўзланган пировард мақсад — шу муқаддас заминда умргузаронлик қилаётган инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришишдир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АКТ янгиликлари

### Интернет орқали рўйхатдан ўтиш мумкин

*Андижон шаҳрида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳловчилар эндиликда тегишли ҳужжатларни интернет орқали ҳам расмийлаштиришлари мумкин. Ўтган қисқа муддатда мазкур интерактив хизматдан 70 нафар тадбиркор фойдаланди.*

— Бунинг учун тегишли ҳужжатларнинг сканер нусхалари tadbirkor.gov.uz портали орқали бизга юборилади, — дейди Андижон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси мутахассиси Абдураҳмон Алимов. — Биз уларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиб, тадбиркорнинг электрон манзилига қайтариб жўнатамиз.

Айни пайтда инспекция мутахассислари томонидан тадбиркорларга интерактив хизматлардан фойдаланиш кўникмалари бўйича маслаҳатлар ҳам бериб борилмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Электрон кутубхона»нинг замонавий имкониятлари

*Навоий вилояти ахборот-кутубхона маркази хизматидан фойдаланувчилар эндиликда марказнинг navoiyakt.uz сайти орқали ўзи истаган китобни топиб ўқиши ёки кўчириб олиши мумкин.*

Айни пайтгача мазкур кутубхона ходимлари томонидан 15 мингга яқин турли адабиётларнинг электрон нусхаси яратилди. Шунингдек, ушбу зиё масканида китобхонларга интернет тармоғидан бепул фойдаланиш имконияти мавжуд.

Тез орада марказ электрон кутубхонаси республика миқёсидаги кутубхоналар корпоратив тармоғига уланади. Бу эса мамлакатимиздаги исталган кутубхонада сақланаётган ноёб китобларнинг ҳам электрон нусхаларидан фойдаланиш имконини беради.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази жамоаси бош директор Ҳаким Умарходжаевга онаси **РОҲИЛА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O‘ZSANOATQURILISHBANK

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки**

**Visa халқаро пластик карточка тизими учун янги серверлар комплексида кластер тизимини яратиш ва Oracle дастурий мажмуасини ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.**

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
**Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Тел./факс: (8-371) 120-45-56, 120-45-60.**
**Ички телефонлар: 30-63, 32-24.**

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) **2014 йил 22 сентябрь соат 18.00 га қадар қабул қилинади**.

1515R/497



**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси
08.00.02 — Макроиқтисодиёт
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти
08.00.06 — Эконометрика ва статистика
08.00.07 — Молия ва кредит
08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби
08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти
08.00.11 — Маркетинг
08.00.13 — Менежмент

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Катта илмий ходим-изланувчилар институтига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
- чет тили;
- мутахассислик.

**Қўшимча маълумотларни университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимидан олиш мумкин.**

**Телефонлар: (8-371) 232-65-42, 232-61-77, 232-64-29.**

1391A/736



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олтиариқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 11 августдаги 15-14-08/8131-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Қизилтепа кўчасида жойлашган омборхона ва молхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 387 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 октябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 24 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефонлар: (8-373) 244-46-39, 244-46-22.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1510R/1453



VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

VEGA
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Маблағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи

www.vega.uz

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 “VEGA”

**Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.**
**Факс: (+998 71) 267-71-90.**
**e-mail: info@vega.uz**
**web: www.vega.uz**

1505R/751



***СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябригача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 2014 йил 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.**

1401A/645


WWW.XS.UZ

Бўстонлиқ туманидаги “Аллюр” от спорти клубида спортнинг чавандозлик тури бўйича анъанавий “Challenge” жаҳон кубоги мусобақасининг сиртқи босқичи бўлиб ўтди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5